



SOURCE STUDIES ON THE TRADE SECTOR OF THE SOVIET PERIOD IN UZBEKISTAN

Gavkhar Esanovna Muminova

*Leading Researcher, Institute of History
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

Rano Nortukhtaeva Tukhtaeva

*Independent Researcher, Karshi State University
g.muminova@mail.ru
Karshi, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Soviet period, Uzbekistan, trade sector, source studies, archival documents, statistical data, legal acts, periodicals.

Abstract: This article provides a source-based (historiographical and source studies) analysis of materials related to the development of the trade sector in Uzbekistan during the Soviet period. It also evaluates the reliability of sources and their research potential.

Received: 05.04.26

Accepted: 06.04.26

Published: 07.04.26

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИ САВДО СОҲАСИ МАВЗУСИ МАНБАШУНОСЛИГИ

Гавхар Эсановна Мўминова

*ЎЗ ФА Тарих институти етакчи илмий ходими
Тошкент, Ўзбекистон*

Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева

*Қарши давлат университети мустақил тадқиқотчиси
g.muminova@mail.ru
Қарши, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: совет даври, Ўзбекистон, савдо соҳаси, манбашунослик, архив ҳужжатлари, статистик маълумотлар, меъёрий ҳужжатлар, даврий матбуот.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда совет даврида савдо соҳасининг ривожланишига оид манбаларнинг манбашунослик таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, мавжуд

манбаларнинг ишончлилиги даражаси ва улардан фойдаланиш имкониятлари баҳоланган.

ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ ПО ТЕМЕ ТОРГОВОЙ СФЕРЫ СОВЕТСКОГО ПЕРИОДА В УЗБЕКИСТАНЕ

Гавхар Эсановна Муминова

Ведущий научный сотрудник

Института истории Академии наук Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Раъно Нортухтаевна Тухтаева

Самостоятельный исследователь

Каршинского государственного университета

g.muminova@mail.ru

Карши, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: советский период, Узбекистан, торговля, источниковедение, архивные документы, статистические данные, нормативные акты, периодическая печать.

Аннотация: В данной статье проводится источниковедческий анализ материалов, посвящённых развитию торговой сферы в Узбекистане в советский период. Также оценивается степень достоверности источников и возможности их использования.

Кириш. Ўзбекистонда совет даври савдо соҳасининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш тарих фанининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур соҳани илмий таҳлил қилишда манбашунослик алоҳида аҳамият касб этади, чунки ҳар қандай тарихий тадқиқотнинг ишончлилиги ва илмий қиммати, аввало, қўлланилган манбаларнинг мазмуни, хусусиятлари ва таҳлил даражасига боғлиқдир. Совет даври савдо тизими марказлашган режали иқтисодиёт шароитида шаклланган бўлиб, унинг фаолияти, бошқарув механизми ва аҳоли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган функциялари турли хил манбалар орқали ёритиб берилган.

Ушбу мавзудаги манбалар турли тоифаларга бўлинади: расмий давлат ҳужжатлари, партия қарорлари, статистик маълумотлар, архив материаллари, даврий матбуот, шунингдек, ўша даврдаги илмий тадқиқотлар ва хотиралар. Ҳар бир манба тури ўзига хос ахборот имкониятларига эга бўлиб, савдо соҳасининг турли жиҳатларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, расмий ҳужжатлар орқали давлат сиёсати ва бошқарув тизими таҳлил қилинса, статистик маълумотлар савдо ҳажми, тақсимот ва истеъмол кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

Шу билан бирга, совет даври манбаларининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар кўпинча идеологик таъсир остида яратилган бўлиб, бу ҳолат уларни танқидий таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради. Мазкур манбаларни холис баҳолаш, улардаги маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш ва турли манба турларини ўзаро солиштириш орқали тарихий ҳақиқатга яқинлашиш мумкин.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, мустақиллик даврида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида совет давридаги савдо тизимининг тарихи ва тажрибасини қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса манбашунослик таҳлилларини чуқурлаштиришни, мавжуд манбаларни қайта баҳолашни ва янги илмий ёндашувлар асосида ўрганишни талаб қилади.

Асосий қисм. Ўзбекистонда совет даври савдо соҳасида амалга оширилган сиёсат ва пул муомаласидаги ўзгаришлар масаласининг ўз манбашунослиги мавжуд бўлиб, уларини учта асосий гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Миллий архиви ва вилоят давлат архивлари жамғармалари ҳужжатлари;
2. Турли расмий ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари;
3. Даврий матбуот нашрлари.

Мавзу манбашунослигида Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА) ҳужжатлари салмоқли ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида иқтисодий, хусусан савдо-сотиқ сиёсати Ўз МАнинг 9, 17, 18, 20, 24, 25, 37, 46, 48, 49, 53, 71, 83, 86, 90, 93, 95, 96, 837, 1619, 1680, 1699, 2027, 2384 ва ҳ.к. фондларида сақланаётган ҳужжатларнинг материаллари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Туркистон АССР МИҚнинг иқтисодий соҳадаги сиёсати ва пул муомаласини йўлга қўйиш борасида олиб борган чора - тадбирлари ҳақидаги маълумотлар Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ҳужжатлари сақланадиган 9 – фонд, Туркистон Автоном Республикаси Марказий Ижроия Комитети ҳужжатлари сақланадиган 17 – фонд, Туркистон Республикаси Иқтисодий Кенгаши ҳужжатлари сақланадиган 18 – фонд, Туркистон Автоном Республикаси халқ комиссарлари совети 25 – фондлари йиғма жилдларидан тўпланади.

Ўз МАнинг Р-17, 25 – фондларнинг ҳужжатларидан Туркистон Республикаси ҳукуматининг молиявий аҳволини “яхшилаш”, асрлар давомида шаклланган “хусусий мулк” аънаналарига “болта уриш” юзасидан хусусий шахслар мол – мулкни талаш бўйича талончилик сиёсатининг моҳияти асослашда фойдаланилади. Шунингдек, Янги иқтисодий

сиёсат (НЕП), "Ҳарбий коммунизм", "Озиқ – овқат солиғи", "Озиқ – овқат разверсткаси" масаларига доир далилий материаллар ҳам ушбу фонд ҳужжатларидан олинади.

Ўз МАнинг 48-фонд (БХСР Халқ Нозирлар Кенгаши), 49-фонд (Бухоро Иқтисодий Кенгаши), 53-фонд (БХСР Савдо ва саноат нозирлиги), 71-фонд (ХХСР Марказий Ижроия Комитети), 73-фонд (Хоразм Иқтисодий Кенгаши) ҳужжатларидан Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларида иқтисодий сиёсати ва савдо муносабатларининг аҳволи, хусусан, бозорлар, мол турлари, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, товар танқислиги, солиқ ва йиғимлар ва бу борадаги тартибсизликларга оид маълумотлар олинади. Шунингдек, архив фондларида сақланаётган ҳужжатлардан хўжаликнинг турли, хусусан, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик соҳалари таназулига доир қимматли маълумотлар олинди. Ушбу фондлардаги архив манбалари Бухоро ва Хоразм Республикаларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол тўғрисида кенг маълумотлар мавжуд.

Ўз МАнинг 46-фондида Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати ҳужжатлари сақланиб, республика молия сиёсатининг мазмунини очиқ беришга хизмат қиладиган маълумотлар олинади. Хусусан, республикада Савдо ва саноат нозирлиги фаолияти, экспорт товарлари, яъни пахта, жун ва қорақўлни ишлаб чиқариш ва улардан даромад олишга оид материаллар йиғилиб, илмий муомалага киритилади[1].

Ўз МАнинг Р-837-(ЎзССР Министрлар Совети) фондида савдо тарихи, бозор муносабати муаммоларини ҳар жиҳатдан ёритишга хизмат қиладиган маълумотлар тўпланиб, тадқиқотда улардан унумли фойдаланилади. Ўз МАнинг Р-837 фондида сақланаётган баённомалар, маълумотлар, мурожаатномалар, хатлар ва бошқа ҳужжатлардан қимматли материаллар олинади.

Ўз МАнинг ушбу фондларидан олинаган расмий материаллар ёрдамида совет давлати ва Коммунистик партиянинг савдо ишига ишига муносабати, бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг амалиётда қўлланилиши ва унинг оқибатлари аниқланади. Фондда сақланаётган ҳужжатлар асосан бўйруқлар, йиғилиш баённомалари, маълумотномалар шаклида бўлиб, улардан олинган маълумотлар илк бор илмий муомалага киритилади.

Россия Федерацияси архивларида сақланаётган Ўзбекистон савдо тарихига доир расмий материаллар мавзу манбашунослигини бойитишга хизмат қилади. Россия давлатининг энг янги тарихи Давлат архиви (РГАНИ) нинг 5-фонди, Россия Давлат Иқтисодиёт архиви (РГАЭ)нинг 3429, 3969, 7733, 4372, 1562-фондларидан савдо тарихига доир қатор манбавий ҳужжатлар мавжуд. Россия архивлари ҳужжатларининг аксариятида Коммунистик мафкура тазйиқлари сезилиб, уларда Ўзбекистон иқтисодиётини

молиялаштириш ишига бир томонлама ёндашув, империяча бошқарув анъаналари кўзга ташланади. Россия Давлат Иқтисодиёт архиви (РГАЭ)нинг ҳужжатларидан Иттифок бўйича иқтисодий соҳанинг йўлга қўйилиши, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида товар тақчиллиги, мамлакатда карточка тизимининг жорий этилиши, пул муомаласи, “қора бозор” нинг ривожланиш омиллари, чайқовчилик, давлат ва бозор нархлари, аҳоли моддий аҳволининг ёмонлашуви кабиларга оид маълумотлар олинади[2]. Айниқса ушбу фонд ҳужжатлари орасида 1947-йилги пул ислоҳотининг амалга оширилиш жараёни акс эттирилган иш материаллари аҳамиятлидир[3]. Ушбу архивнинг 1562-фондидан Иттифок Марказий статистика бошқармаси, 4372--фондидан Бухоро Иқтисодий Кенгаши фаолиятига доир маълумотлар олинади.

Россия энг янги тарихи Давлат архивининг (РГАНИ) 5-фонди (КПСС МК аппарати) ҳужжатларидан 1961-йилги пул ислоҳотининг ўтказилиши билан боғлиқ тарихий шахслар, воқеа ва ҳодисалар тўғрисида материаллар олинади. Хусусан, Иттифок Молия министри В.Ф. Гарбузов, Иттифок Давлат банки бошқаруви раиси Коровушкиннинг пул ислоҳотини олиб бориш хусусидаги фикрлари, пул алмаштириш пунктлари ва бошқа маълумотлар илмий муомалага киритилади[4].

Давлат архивлари фондларидан олинаган ҳужжатлардан фойдаланиб, совет савдо сиёсати, пул муомаласи ва ислоҳотлари мавзусини ҳозирги замон тадқиқот усулларига асосланиб, танқидий ва қиёсий таҳлил этиш ҳамда ҳақиқий манзарани равшанлаштириш, муаммоларини холисона тавсифлаш орқали тадқиқ этишга ҳаракат қилинади. Давлат архивларидан тўпланган маълумотлари таққосланиб, таҳлил қилиниб ва танқидий ёндашув услубларига амал қилган ҳолда қайта ишлаб чиқилади. Архив фондларида сақланаётган ҳужжатлардаги маълумотлар ёрдамида совет ҳокимияти йилларида савдо-сотиқ соҳасидаги сиёсатининг характери, савдо тармоқларини йўлга қўйишдаги номутаносибликлар, бозор ва у билан боғлиқ солиқ ва йиғимларни йўлга қўйишдаги муаммолар ойдинлаштирилади.

Савдо тарихи мавзусини ўрганишда турли эълон қилинган расмий ҳужжатлар ва материаллар тўпламларидан ҳам манба сифатида фойдаланилади[5]. Улар манбаларнинг иккинчи гуруҳига киритилади. Тадқиқотда статистика тўпламлари[6] маълумотларидан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилиниб, уларда келтирилган рақамлар Ўзбекистонда совет давлатининг савдо сиёсатига доир ҳақиқатни ойдинлаштиришга хизмат қилади. Статистик тўпламларда молия соҳасига доир келтирилган рақамлар ёрдамида давлат бюджетидagi ўзгаришлар, даромад манбалари борасидаги сиёсатнинг моҳиятини тўла англаш имкони яратилади.

Шунингдек, тадқиқотни олиб бориш жараёнида муаллиф, асосан, мавзуга доир статистика маълумотларининг ҳақиқийлиги ва ишончилиги бўйича ҳам ўрганиш ишларини олиб боради. Чунки кўпгина статистик тўпламларда манбалар сифатсиз, маълумотларнинг бир-бирига тўғри келмаслик ҳолатлари аниқланди[7].

Иттифоқ давлат статистика комитети ходими Т.И. Ханин совет иқтисодиёти ҳақида шундай ёзади: "... кўп ўн йилликлар давомида биз иқтисодиётни уни тавсифловчи кўплаб кўрсаткичлар бизнинг статистикамиз томонидан кўпол нотўғри баҳоланган шароитда бошқаришга мажбур бўлдик"[8].

Тўғри совет савдо-сотик сиёсати ва пул муомаласи масалаларини ўрганиш жараёнида манбалардан фойдаланишда асосан қуйидаги муаммоларга дуч келиш мумкинлиги аниқланади: биринчидан, давлат савдо масалалар ва пул муомаласига доир ахборотларнинг асосан махфий ҳолда сақланганлиги; иккинчидан, иқтисодий кўрсаткичлар, хусусан, миллий даромад, иш ҳақлари кабиларнинг йиллар давомидаги ҳолати фоиз ҳисобида берилиб, аниқ ҳисоблари келтирилмаганлиги; учинчидан, пул муомаласига оид маълумотлар матбуотда етарли даражада ёритилмаганлиги.

Бундан ташқари, совет даври аҳоли табақаларининг оилавий бюджети, яъни уларнинг даромадлари ва харажатлари тўғрисида на статистика тўпламларида, на матбуот нашрларида аниқ тизимлаштирилган маълумотлар келтирилмаган. Масалан, 1955-йилда Иттифоқ аҳолиси сотиб олган ноозик-овқат маҳсулотларининг 46 фоизи "қора бозор"даги "олиб сотарлар" ҳиссасига тўғри келди[9]. Ёки, 1959-йили Иттифоқ саноат ишчилари оиласининг 64 фоизи, колхозчилар (жамоа хўжалиги аъзолари) оиласининг 59 фоизи кийим-кечак ва поябзал таъмирлаш бўйича хусусий шахслар хизматидан фойдаланган[10]. Ҳолбуки, статистик тўпламларда бу ҳақда маълумотлар келтирилмаган.

Ўзбекистонда совет ҳокимияти даврида савдо сиёсатининг йўлга қўйилиши, пул муомаласи ва ислохотлари жараёнини ўрганиш ва ёритишда марказий ва маҳаллий даврий матбуот нашрлари газета[11] ва журнал[12] материалларидан ҳам фойдаланилади ва улар мавзу манбашунослигининг учинчи гуруҳини ташкил этди.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида миллий матбуот саҳифаларида савдо[13], бозор[14], пул муоммиласи[15], биржа[16], қимматбаҳо қоғозлар[17] бозори хусусида мақолалар эълон қилинган.

Ушбу мақолаларда қисман бўлсада, маҳаллий аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, масалага ёндашганлиги кузга ташланади. Уларда бозорларда нархларнинг ошиб бориши, матлубот уюшмаларининг тузилиши ва чайқовчилик масаласи, бозорларда ёйма савдо расталари, маҳсулотларни ташиш билан боғлиқ масалалар ўртага ташланади. "Қизил

Ўзбекистон” газетаси саҳифаларида Тошкент бозорлари ҳақидаги мақолалар тез-тез эълон қилиниб турилган. Ушбу мақолалар таҳлили уўа давр Тошкент бозорлари тарихи манбашунослигида муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу манбалар ёрдамида пойтахт бозорларининг XX юз йиллик 20 йиллардаги кўриниши, савдо муносабатларига оид қимматли маълумотлар баъзаси шакллантирилади. Хусусан, Тошкент бозорларининг қиш фаслидаги аҳволи, бозор нархлари, саноат моллар бозори, қан, чой, ҳалла бозорлари манзараси мазкур мақолаларда тасвирлаб берилган.

Ўша давр нашрларида биржа соҳасига доир ҳам маълумотлар умумлаштирилган. Туркистонда биринчи биржа Тошкентда, сўнгра Қўқон, Самарқанд ва Бухорода ташкил этилди. Гарчи ушбу биржалар кооперация ташаббуси билан тузилгани учун «кооператив биржалар» деб аталса-да, биржалардаги асосий сотувчи сифатида давлат ташкилотлари бўлди. 1922 йил 5 февралдан 31 майгача бўлган даврда биржа савдолари умумий суммасининг 55,5 фоизи давлат ташкилотлари ҳиссасига тўғри келди. Ўзбекистонда биржалар 1921-1930 йилларда бўлган ва 90 йилларда қайта тикланди.

Совет даврида деҳқонларни талашнинг энг маъқбул усулларида бири сифатида турли тарихий саналарга бағишлаб чиқарилган заёмларни қайд этиш мумкин. Ҳатто газеталарда берилган мақола номларида ҳам ушбу муаммо кўтарилади. Масалан, “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1925 йил 7 декабрь сонида М.Ҳасаннинг “2-деҳқон заёмини чиқаришдан мақсад нима?”, “Қизил байроқ” газетасининг 1922 йил 4 июль сонида “Ғалла заёми” мақоласида ишчи-деҳқонларни ғалла заёмига ёзилишга даъват масаласи ёритилади. Ёки “Туркистон” газетасининг 1923 йил 24 июнь сонида “Ғалла заёмини онгсиз деҳқонларга тарқатишга тиришингиз”, шу газетанинг 1923 йил 19 январ сонида “3-индустрлаш заёмига ёзилмаган киши қолмасин” мақолари шулар жумласидандир.

Хулоса. Совет даврида нашр этилган даврий матбуот – газета ва журналлар материаллари давлат иқтисодий соҳаси аниқ ва тўла таҳлил этиб ёритиб беришга, шунингдек, давлат томонидан пул муомаласини йўлга қўйишда ва ислохотларни амалга оширишда аҳоли турли табақаларининг манфаатларини ҳисобга олмаганлиги натижасида аҳоли моддий фаровонлигини таъминлаш соҳасида муаммоларнинг кескинлашуви юз берганлиги, Ўзбекистон аҳолиси озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлар истеъмоли кўрсаткичлари бўйича Иттифоқ кўрсаткичларидан анча орқада қолганлигини тавсифлаб беришга имкон яратади.

Аммо, матбуот материаллари давлат савдо сиёсатининг моҳиятини тўла англаш, ҳақиқий манзарани тасвирлаш имконини бермайди. Чунки ҳукмрон мафкура талаблари бунга йўл бермай келганди. Масалан, 1947 ва 1961 йилги пул ислохотларининг асл

моҳияти даврий нашрларда умуман ўз аксини топмаган. Газета ва журналларда нашр этилган маълумотлар мақола кўринишида эмас, фақат қайдлардан иборат эди. Нашрларда пул алмаштириш масканлари, уларда ишлаётган ходимларнинг “фаол”лиги масалалари тилга олиниб, аксинча аҳолининг пул ислохотлари туфайли кўрган зарари каби масалалар хусусида таҳлилий ва танқидий материаллар берилмади. Қолаверса, Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасининг кўрсаткичлари Иттифоқ кўрсаткичларидан пастлиги, омонат кассаларида сақланаётган жамғармалар миқдори бўйича ҳам мамлакатнинг бошқа худудларига нисбатан орқадалигини тасдиқловчи аниқ рақамлар ва маълумотлар берилмади.

Шу боис савдо тарихини ёзишда даврий матбуот нашрларидаги мақолалар қандай вазиятда ва қайсидир воқеалар таъсирида ёзилганлиги ҳисобга олиниб, тарихий ҳолислик даражаси аниқлангач, илмий муомалага киритилди. Умуман, даврий нашр материаллари қандайдир маънода архив манбаларини тўлдиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўз МА, 49-фонд, 1 - рўйхат, 35 - иш, 1 - 15 - варақлар.
2. Россий давлат иқтисодиёт архиви (РГАЭ), 7733 - фонд, 36 - рўйхат, 1859 - иш, 140 - 155 - варақлар, 36-рўйхат, 1574-иш, 80 - 90 - варақлар, 1856 - иш, 150 - 165 - варақлар, 2530 - иш, 40 - 56 - варақлар.
3. РГАЭ, 7733 - фонд, 36 - рўйхат, 2277 - иш.
4. Российский государственный архив новейшей истории (РГАНИ), 5 - fond, 20 - ro'uxat, 208 - ish, 10 - 85 - varaqlar.
5. Конституция ТССР 1918 года. – Т., 1918; Сборник декретов, распоряжений и постановлений ЦИК Советов Туркестанской Республики. – Т. 1921; Декрет и инструкция по обложению единым сельскохозяйственным налогом в 1923 – 1924 гг. – Т. 1923; Материалы всероссийских сельскохозяйственных переписей 1917 и 1920. вып 2. – С.26, вып 3. – Самарканд, 1925; Наше денежное обращение (Сборник материалов по истории денежного обращения в 1914 – 1925 гг. – М.: Финиздат, 1926; Два года социалистического строительства в Узбекистане. Отчет правительства УзССР IV съезд Советов Узбекистана. – Самарканд, 1930; Государственный бюджет Союза ССР за вторую пятилетку (1933 – 1937 гг.). – М., 1939; Постановление Совета Министров СССР и ЦК ВКП (б) «О проведении денежной реформы и отмене карточек на продовольственные и промышленные товары. – Челябинск, Огуз – Челябингиз, 1947; КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Т.1. – Москва, 1953; Съезды Советов в документах. Т. 1. – М. 1959. История Бухарской Народной Советской Республики. // Сб.

документов. – Т.: Фан, 1976; Справочник нормативных документов по социальному обеспечению. – М.: Финансы и статистика, 1982; Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций... – Т. 1988 ва бошқ.

6. Статистические ежегодник Туркеспублики. 1917 – 1923 гг. – Т. 1924: Советский Узбекистан за 40 лет. Ст. сб. – Т.: Узбекистан, 1964: Народное хозяйство СССР за 60 лет. Ст. сб. – Москва: Статистика, 1977; Народное хозяйство СССР в 1980 году. Ст. сб. – М. 1981; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1982 году Ст. Сб. – Т. 1983; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 году. Ст. Сб. – Т. 1985; Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. – Т.: Узбекистан, 1987: Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году. Ст. Сб. – Т.: Узбекистан, 1991; Финансы СССР (1989 – 1990 гг.). Ст. сб. – Москва, 1991 ва бошқ.

7. Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. – С. 304.

8. Экономическая социология и перестройка. – М., 1989. – С. 50.

9. Россия давлат иқтисодиёт архиви (РГАЭ), 1562 – фонд, 26 – рўйхат, 382 – иш, 80 – 85 – варақлар.

10. РГАЭ, 1562 - fond, 26 - ro'yxat, 921 - ish, 150 - 165 - varaqlar.

11. Наша газета, Известия (г. Старая Бухара), Известия (Турк ЦИК), Туркестанская правда, Бухоро ахбори, Советская Каракалпакия, Қизил Ўзбекистон, Қашқадарё ҳақиқати, Советский торговля, Ўзбекистон овози, Халқ сўзи.

12. Бюллетень. Первой экономической конференции Средне - Азиатский Республик (Туркестанской, Бухарской и Хоразмской). – Т., 1923; “Народное хозяйство Туркестана”, “Народное хозяйство Средние Азии”, “Бухарская жизнь”, “История СССР”, “Вестник финансов СССР”, “Ведомости Верховного Совета СССР”, “Экономика и жизнь”, “Деньги и кредит”, “Новая и новейшая история”, “Экономическая история”, “Вестник СП(б) ГУ”, “Советские финансы”, “Народное хозяйство СССР”, “Финансы и кредит СССР”, “Экономика сельского хозяйства”, “Фан ва турмуш”, “Иқтисод ва ҳисобот”, “Отечественная история”, “Вопросы экономики”, “Вопросы статистики”.

13. Гойиб. Матлубот уюшмалари ва спекулянтлар// Қизил байроқ.- 1921.- 17 май. Бозорларда нархнинг ошиб кетиши муносабати билан// Туркистон.- 1922.- 1 дек; Ниёзий Абдусамад. Бизнинг кооперативларимиз: [Эски Тошкентдаги кооперативлар ҳақида]// Қизил байроқ.-1922.- 1 авг; Савдо-сотик ишлари: Юк юргизиш ширкатида; Нижний ярмаркасига тайёрлик// Қизил байроқ.-1922.- 18 июнь. Туркистондан четга мева чиқариш тўғрисида// Қизил байроқ.- 1922.- 1 июль. Майда баққолчилик // Туркистон.- 1924.- 15 сент; Ҳакимов. Ёймачиларга айрича бозор қилиб берилсин!: [Эски Тошкент

бозор расталарида савдо қилган ёймачилар ҳақида]// Туркистон.- 1924.- 16 окт. Русия– Шарқ савдо палатаси Ўрта Осиё бўлими очилиши муносабати билан// Туркистон.-1924;

Хусусий савдога солинадиган солиқни камайтириш масаласи // Қизил Ўзбекистон. — 1925. — 7 сентябрь;

14. Ўрта Осиёга мол келтириш: (Қанд, шакар, гугурт, оёқ кийимлари ва газмол)// Қизил Ўзбекистон.- 1924.- 28 дек; Полвонов. Тошкент бозорининг қишда қандай бўлиши тўғрисида // Қизил Ўзбекистон. — 1925. — 5 октябрь. Полвонов. Тошкентда бозор баҳолари // Қизил Ўзбекистон. — 1925. — 30 сентябрь; Полвонов. Тўйтепа бозори // Қизил Ўзбекистон. — 1925. — 28 сентябрь; Полвонов. Ўрта Осиёга ярмарка керакми? // Қизил Ўзбекистон. — 1925. — 15 сентябрь; Ўрта Осиёда саноат молларининг бозори: // Қизил Ўзбекистон. — 1926. — 23 июль. Чой ва қанд бозори // Қизил Ўзбекистон. — 1925. — 27 сентябрь; Ўрта Осиё ғалла бозорининг ҳоли // Қизил Ўзбекистон. — 1925. — 12 июнь.

15. Абдулхай. Пул ишлари// Туркистон.-1923.- 25 янв; Рамз. Мустаҳкам пул ва олиш-сотиш ишлари// Туркистон.- 1924.- 9 апр; Червон курси ошмайдир: Бир сўм червон 50000 сўм турадир; 1923 йилнинг шўро қоғоз пуллари биринчи майгача ҳар хил иш ва савдоларда юра берадир// Туркистон.- 1924.- 15 март; Дунё бозори ва Русияда олтиннинг қиммати// Қизил Ўзбекистон.- 1924.- 25 дек;

16. Тошкент мол биржасида: Эски Тошкентда бозор аҳволи // Қизил Ўзбекистон. — 1925. — 17 июнь; Ўрта Осиёда савдо қурултойи: [Қурултой 4 февраль куни Тошкентда очилган] // Қизил Ўзбекистон. — 1926. — 8 февраль. Х. Ўрта Осиёнинг савдоси ва қишлоқ хўжалиги // Қизил Ўзбекистон. — 1926. — 28 март.

17. Ҳасан М. 2-деҳқон заёмини чиқаришдан мақсад нима? // Қизил Ўзбекистон. — 1925. — 7 декабрь; Мусаев Ҳ. Иккинчи ғалла заёми тўғрисида Туркистонда нима ишланди?// Туркистон.- 1923.- 20 июнь. Ғалла заёми: [Ишчи-деҳқонларни ғалла заёмига ёзилишга даъват]// Қизил байроқ.- 1922.- 4 июль. Ғалла заёмини онгсиз деҳқонларга тарқатишга тиришингиз// Туркистон.- 1923.- 24 июнь; Ғ. Ҳукумат заёми тўғрисида// Туркистон.- 1923.- 19 янв. 3-индустрлаш заёмига ёзилмаган киши қолмасин: Заёмга ҳаммани чақирамиз: (Ўзбекбирлашув идорасининг раиси ўртоқ Раҳимий билан суҳбат) // Қизил Ўзбекистон. — 1929. — 9 август. Хўжаев Файзулла. Эҳтиёт пуллар — янги заёмга // Қизил Ўзбекистон. — 1928. — 4 март.